

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 44 (66273)
2000 йил 2 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Тенгдошингиз Хилола Зоҳидова Франкфурт шаҳридаги «Фюрстенбергер реалшюле»нинг 10-«А» синфида ўқийди. Шу кунларда узоқ Германияда яшайётган Хилола тўртта - ўзбек, инглиз, рус, немис тилларида бемалол сўзлаша олади.

Яқинда Хилола ўз уйи Ўзбекистонга таътилга келди.

-Хар бир синфда 20-25 нафар ўқувчи ўқийди,- дейди Хилола. - Кунига етти, саккиз соатдан дарслар бўлади. Хар соати бизга ўхшаб 45 минут. Фақат еттинчи, саккизинчи соатлари 40 минутдан.

8-синфгача Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназиясида ўқирдим.

Германияга борганимда 9-синф бўлишим керак эди.

У ердаги ўқитувчилар «Бу синфга лойиқми ё йўқми? Балки 8-синфдан ўқишни бошлар», - дейишибди. Шунда улар тест орқали билимимни синаб кўришди. Синовдан яхши ўтдим. Жавобимдан ўқитувчилар жуда хурсанд бўлишди. Устозларим ҳақида сўрашди. Мен синф раҳбарим Турсуной опа Нигматова, устозим Гулнора опа Эшонқуловалар ҳақида гапириб бердим.

Мени 9-синфга эмас, бир йўла 10-синфга қабул қилишди.

Демоқчиманки, билим барча ерда кадрланар экан.

ФРАУ ТАНБЕҲИ

Илмни қанчалик кўп ўрганган сари у шунчалик оздек бўлиб туюлаверади. Немис тилини жуда яхши биламан, деёлмайман. Аммо инглиз тилини ўз она тилимдек

ўрганганман. Шунинг учунми синфдошларимнинг кўплари инглиз тили дарсида мен билан ўтиришни хоҳлашади.

Бир кунги немис-инглиз тили ўқитувчимиз Фрау Зак-Счлейтер Ватан ҳақида иншо ёзишимизни айтдилар. Табиийки мен серқуёш Ўзбекистоним ҳақида ёздим. Партдошим Ли инглиз тилини яхши билмас эди. Шунинг учун тушунмасдан мендан кўчириб олибди.

Кейинги соатда ўқитувчимиз Лениннинг кўчирганини билиб, унга Ўзбекистон ҳақида бир қанча саволлар бердилар. Уларнинг саволлари жавобсиз қолди. Шунда ўқитувчимиз «Кўчиришдан олдин, нима ҳақида ёзаётганингни тушун», деб Лини уялтирдилар.

Фраунинг танбеҳи бөис Ли инглиз тилини ўрганишга астойдил киришди. Ҳозирги кунда у бутилда эркин сўзлаша олади.

УЛАР ЛОЛАНИ ТАНИШАДИ


Мени германиялик синфдошларим Лола деб чақиришади. Хилоламан, десам ҳам тиллари келишмайди.

Бир кунги мен ўқитган Ўзбекистондаги гимназия ўқувчилари, яъни дўстларим- Камола, Барно, Хуршид, Сарвар, Лола, Нигоралар Германияга келишди. Мактабдан мени сўрашибди. Бироқ ҳеч ким Хилолани танимабди. Шунда улар танаффус бўлишини кутишибди.

Болалар кўзимга шундай иссиқ кўринишдики, бир-биримиз билан кучоқлашиб сўрашдик. Буни кузатган синфдошларим ҳазил аралаш: «Лоло «руски»ларини бошлаб келибди», дейишди. Шунда биз уларга тушунтирдик: «Биз ўзбекмиз. Ўзбекистон ҳақида эшитганмисизлар? Унинг неча минг йиллик тарихга эга бўлган Бухоро, Самарқанд, Хиваларини-чи?» деб сўрадик. Билмаганларга Ўзбекистон ҳақида тўлиб-тошиб гапириб бердик. Улар сўзларимизни диққат билан эшитишди. Қайта-қайта юртимизга оид саволлар беришди.

ХАР ЮРАКНИНГ ЎЗ ОРЗУСИ БОР

Энг яқин дугонам россиялик немис қизи Александра билан доимо бирга дарс тайёрлаймиз. Та-



Мустақил юрт болалари иқтидорлидир.

рих, география, она тили ва адабиёт фанларини жуда яхши кўра- миз. Кўпинча у мендан келажакда ким бўласан?,- деб сўрайди. Гоҳи- да ўйлаб қоламан. Ким бўлсам экан?

Орзуларим кўп. Ўткир журналист бўлишни жуда-жуда хоҳлайман. Кучли тарихчи бўлгим кел- ди.

Ким бўлсам-да, ўз Ватанимга ҳалол хизмат қиладиган инсон бўлишим, бунинг учун эса билим ва яна билим олмоғим даркор.

Феруза ОДИЛОВА ёзиб олди.

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИГА КИРИБ БОРИНГ-

дейди Бүрибой САФАРОВ, Самарқанд вилояти Халқ Таълими Бошқармаси бошлигининг муовини.

-Муштарийлар билан юзма-юз учрашганимдан хурсандман. Чунки вилоятимиздаги аксар ўқувчилар «Тонг юлдузи»ни севиб мутулаа қиладилар. Ундан керакли хулосалар чиқариш мақсадида узаро муҳокама ҳам қиладилар. Таниқли инсонлар билан бериб бориладиган суҳбатлар ранг-баранглиги билан ажралиб туради. «Инглиз тили сиз учун» рукни эса фарзандларимизга яхши сабоқ бермоқда. Газетага ўз мақолаларию шеърлари билан мунтазам қатнашиб борадиган ўқувчиларимиз ҳам бисёр. Келажакда яхшигина шоир ёки журналист бўлишса шояд.

Айни кунларда ўқувчиларимиз пахта мавсумига сафарбар қилинган. Улар пахта пуллари- га сеvimли газета ва журналларига обуна бўлиш имконини топдилар. Масалан, 27 октябрь кунги маълумотга кўра айнан «Тонг юлдузи» газетасига 717 нафар ўқувчи обуна бўлди. Обуначилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу йили газета обунасини 3000га чиқариш ниятидамиз. Фаол ўқувчиларимиз

билимнинг ҳар жабҳаларида ўзларини намойён қилмоқдалар. Спортнинг турли йўналишлари бўйича яхшигина натижага эришган ўқувчиларимиз талайгина. Кўрик-танлов ва олимпиадаларда Республика миқёсига кўтарилганлар бор. Мана бу йили ҳам Самарқанддаги 37-мактабдан уч нафар ўқувчи АК-СЕЛС йўналиши бўйича Америкага ўқишга кетди. Чет элларда малака ошириб қайтган ўқитувчи ва мураббийларимиз эса мактаб ҳаётига янгиликлар киритмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, таҳририят ходимларига ўз таклифларимни айтмоқчи эдим. Мухбирлар қишлоқ ҳаётидан кўпроқ ёзсалар айни муддао булар эди. Қишлоқдаги мактаблар ҳолидан лавҳалар бериб борилса. Қишлоқлик ўқувчиларнинг машаққатли меҳнатларию қаварган қўлларини эъозлайдиган мақолалар, қорайган юзларни, дағал сочларни, қадоқ қўлларни парваришига қаратилган маслаҳатлар ўз муштарийларини топади деган умиддаман.

Муҳаррама ПИРМАТОВА ёзиб олди.
Таҳририятдан:

Устоз Б. САФАРОВ таклифларини бажону дил қабул қиламиз. Аммо, фаргоналик ўқувчилар 30 минг «Тонг юлдузи»га обуна бўламиз, деб ҳаракатни авж олтирган пайтда устоз Б. Сафаров цифрда адашдилармикан? Чунки ҳисоб-китобларга қараганда самарқандлик ўқувчилар сони (жами 657701 нафар) фаргоналиклардан (597573 нафар) кўп-кў!



“ТОНГ ЮЛДУЗИ” НЕГА КЕЛМАЙСАН?

“Тонг юлдузи” жон! Сени телевизорда қачон шарх қилишаркан, деб кутганимиз-кутган. Чунки сенга обуна бўлганимиз билан барибир бизни йўқлаб келмайсан. Шундоққина Тошкентда, сен чоп этиладиган маҳаллада, транспортда бор-йўғи 15-20 дақиқалик манзилда яшасакда, сени ойлаб кўрмаймиз. Афсус, не-не умидлар билан сенга обуна бўлган эдик-а! Шу ҳам инсофланми? Бизнинг 8-«Б» синф қизлари ҳар бир сонингни олиб ўқишга жуда ошиқишади. Сен чоп этилган кун шаҳар бўйлаб газета сотадиган дўкончаларга чопишади, аммо ҳамма дўкончада ҳам сен сотилмайсан... Биздаки тарқатиш шу даражада бўлса, узоқда яшайдиган тенгдошларимга қандай етиб борар экансан-а? Бу ҳақда почтачи амакилар бош қотириши керак дейишади. Билмадим. Почтачи амакилар бош қотирсинми ёки болалар ўз газеталарини ўқиши керак деб жон куйдираётган ҳамма катталарми? Хуллас, “Тонг юлдузи” жон! Бизни йўқлаб келармикансан? Сенга обуна бўлишга ҳам шу кунларда ўйланиб турибмиз.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактабнинг 8-“Б” синф ўқувчилари номидан Нифосат ФАЙЗИЕВА ва Барно СОЛИҲОВАлар.

Таҳририятдан:
Бу хат муаллифларига жавобни республика матбуот тарқатиш мутасаддиларидан кутамиз.



**СУХАНДОН БЎЛСАМ
ДЕЙМАН**



Мактабга илк бор қадам қўйган кунларим Вазира опа Тоҳирова яхши-яхши гапириб, мени илиқ кутиб олдилар. Ойим мени шу ерга ёлғиз ташлаб кетмасинлар, деб қўрқиб турган пайтимда устоз сўзларидан қандай қилиб синфга кириб кетганимни ҳам бил-

май қолгандим.

Ҳозир эса Дилдора опа Абдуваҳобовадан сабоқ оляпмиз. Улар ҳам жуда меҳрибон, шу билан бирга ўта талабчан устозлар. Турли кеча ва тадбирлар уюштирадilar. Қувончлис шундаки, бундай кечаларда мен бошловчилик қиламан. Бошловчининг нутқи равон бўлиши, сезгир ва донолиги билан артистлар каби одамларни ўзига қарата билиши шарт. Бунинг учун телевидение суҳандонларининг чиқишларини, ҳатто кийинишларини ҳам диққат билан кузатаман. Келгусида улардек суҳандон бўлсам, дейман.

Шаҳноза ХОНХҲАЕВА,
Сирғали туманидаги 32-мактабнинг
5 - "Б" синф ўқувчиси.

АКАЛАРИНГИЗ ЁЗАДИ...

Азиз болалар! Ёждувонда бизни жула кўп мухлисларимиз борлигини яхши биласиз. Мана шундай мухлисларимиздан бири Хусниддинжон Азаматов бўладилар. Хусниддин акангиз кечагина болаликнинг кўчасида югуриб, унинг боғларидаги ҳар бир дарахт билан, тиллашиб, гиёҳлари билан диллашиб юрарди. Бугун эса ҳаётнинг қозонида чиниқиб қайнапти. Инсон йиллар ўтгани сари болаликка қайтгиси келавераркан. Хусниддин акангизнинг асли касби режиссёр.

Балки шунинг учундир у табиатдаги ҳар бир ўзгаришдан мўъжиза кутиб яшайди. Унинг шеърларида ҳам ҳали ҳеч ким кўрмаган ранглар юракка, туйғуга уйғунлашиб кетади. Марҳамат, сиз ҳам ўқиб, диллашинг.

КАПАЛАКЛАР

Кенгликларга бош олиб кетган,
Озод осмон мириқиб кулар.
Болалигим эслатиб менга,
Капалаклар бир-бирин қулар.

Оқар сувдек кетди болалик,
Қанча қайғу-шодликлар ўтди.
Эҳ, сен менинг хур болалигим,
Билмам қайга сен парвоз этдинг.

Хаёл каби беозор майин,
Капалаклар уйнар гулларда.
Болалигим соғиниб сени -
Тентирайман азиз йўлларда.



Гуллар ёнар туманли бир замонларда,
Ашкми ёмғир ҳаволайди осмонларда.
Умрингни кўр, ерда ётган ҳазонларда,
Сен юракни йиғлатувчи қуйсан қузак.

Тиниқ, салқин ҳаволарда сувдай оқдим,
Гоҳо дилни қовжираган баргдай ёқдим.
Бу дунёга фалаклардан мағрур боқдим,
Сен юракни йиғлатувчи қуйсан қузак.

Болалигим ўтган боғни кезгим келар,
Унинг олов тафтларини сезгим келар.
Юрагимни олма каби узгим келар,
Сен кўнглини йиғлатувчи қуйсан қузак.

Ҳар бир гиёҳ кўзларининг ёши соғинч,
Муҳаббатнинг жонга ботган тоши соғинч.
Гул умримнинг ҳам охиру боши соғинч,
Сен кўнглимни ўртагувчи шеърсан қузак.

ШАҲАРДА

Тун ярмидан ошаверди бағрин тилиб,
Менчи уйчан ўтирибман ҳамон уйғоқ.
Бир кунда минг қайтгим келиб қучоғинга,
Соғинганим билармисан она қишлоқ?

Сенда мени танир эди ҳар бир дарахт,
Майсалар ҳам исмим айтиб чақирарди.
Кела қол, деб ёнгинамга сен бир лаҳза,
Булоқлар ҳам денгиз бўлиб ҳайқирарди.

Бунда мени танимайди ҳеч бир кимса,
Дарахтлардай меҳр билан қарамайди.
Ҳол сўрасанг дўстлар каби яқин тутиб,
Шошилади, ҳатто исминг сўрамайди.

Тонг ҳам отар, қуёш чиқар кўкка балқиб,
Соғинчингда менинг кўнглим мангу уйғоқ.
Бир кунда минг қайтгим келар қучоғинга,
Сен ҳам мени эслармисан, она қишлоқ?!

Хусниддин АЗАМАТОВ,
Ёждувон.

ҒАЙРАТЛИ ЎҚУВЧИЛАР

Диёримиз ўз пахтаси билан донг таратган. Оппок, лўппи-лўппи бўлиб очилган пахталар дилингни ёруғ ва равшан қилиб юборади. Авжи йиғим-терим палласидаги муҳит ўқувчиларни ҳам ўзига забт этади. Албатта улар теримга ихтиёрий равишда қатнашиш билан бирга ота-оналари ва теримчиларга кўмак ва мадад бўладилар. Тумандаги 19-мактаб ўқувчилари 23 сентябрдан ҳозирги кунга қадар Ҳамза Ҳакимзода жамоа хўжалигининг Ҳамза бўлими пахтакорларига ёрдам сифатида 20 тонна пахта терди. Теримда 180 дан зиёд юқори синф ўқувчилари иштирок этди. Ўз навбатида ҳар беш кунликда

пахта пулларини ҳам олдилар. “Энди бу пулларга ўқув қуролларини олишимиз ва газеталарга обуна бўлишимиз мумкин”, дейди улар. Туманимизда йиллик пахта режаси тўлиши муносабати билан колхоздаги теримчиларга раҳбарият томонидан рағбатлантирувчи совғалар топширилди. Бироқ ёрдамчи ўқувчилар бу каби ҳадялар олмади. Гап совғада эмас, эътиборда. Зеро, озгина эътибор бўлса, ўқувчиларнинг ғайратига янада ғайрат қўшиларди.

ҚАЙСАР БОЛА,
Фарғона вилояти, Учкўприк тумани.

**АВВАЛ САЛОМ, КЕЙИН
КАЛОММИ?**

Халқимизда ажойиб бир мақол бор: аввал салом, кейин калом. Инсонни яхшиликка ундовчи бу сўзларни билмаган ёки эшитмаган киши орамизда кам топилади. Ўзбек халқи орасида бундай сермазмун мақоллар, ҳикматли сўзлар жуда бисёр. Бугунги кунда ушбу мақолга биз тўлиқ амал қиляпмизми? Айтмоқчиманки, ҳозирга келиб салом беришдек ўзбекона фазилатимизни баъзилар деярли унутиб қўйганмикан?!

Ушбу танқидимни катталарга эмас, кўпроқ ёшларга қаратмоқчиман. Эҳтимол, муболагадан энди узоқлашгандирман. Ёшлар ўзларидан катта кишиларни учратганларида, қўлларини кўксиларига қўйиб «Ассалому алайкум» деб салом берсалар, ўзларининг одобларини ошкор этган бўладилар. Биз мамнун бўлишимиз керакки, орамизда «ассалом» сўзи тилидан тушмайдиган ёшларимиз бор. Саломлашиш - инсоний фазилатлар ва муомиланинг илгор воситаси. Шунга доимо амал қилсак, ҳақиқий ўзбекона қадриятларимизни унутмаган бўламиз.

Жаҳонгирбек ҚАРШИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Булуғур тумани, Абдусалом
Маҳсумов номли жамоа хўжалиги.

ONAMIZDEK MEHRIBON

Yaqinda maktabimizga shifokor opalarimiz kelishdi.

Hammamizni qandaydir kasallikka qarshi emlashdi. Uch kungacha qo'limizni sovuq suvga tiqmasligimizni tayinlab ketishdi. Maktabimiz hamshirasi Saida opa esa uch kun davomida har kuni sinifimizga kirib, qo'llarimizni tekshirib turdilar. "Hech biringizning emlangan qo'lingiz qizarmabdi, xudoga shukur-e" deya yengil tortib, chiqib ketdilar.

Saida opamiz faqatgina bu kunlarda emas, har kuni erta tongdanoq barchamizdan hol-ahvol so'rab kutib oladilar, xonama-xona yurib, ozodagarchilikni, qo'l va tirnoqlarimizning tozaligini nazorat qiladilar.

Qizlarni alohida xonaga to'plab, kerakli maslahat va yo'l-yo'riqlar beradilar. Ular bizga shunchalik yaqin bo'lib ketganlarki, hatto onalarimizga ham ayta olmaydigan sirlarimizni Saida opamiz bilan bemalol gaplasha olamiz. Chunki hamshira opamiz bizlarga onamizdek mehribonlar.

Nargiza JALILOVA,
Toshkent shahridagi 249-maktabning 7-
sinf o'quvchisi.



OLTIN KUZ

O'lkamizga kuz fasli kirib kelganiga ham ikki oy bo'ldi. Sovuq ham tushib, uoimg'irlar tez-tez yog'ib turibdi. Barglar esa sarg'ayib to'kila boshladi. Ba'zi do'stlarimiz-qaldirdig'och, turna va laylaklar bilan xayrlashdik. Hamma joyda to'kin-sochinlik avj olib ketdi. Dehqonlar dalalardan mo'l hosillarni yig'ib oldilar. Boyligimiz bo'lmish oltin paxta yig'imi ham tugallanib qoldi. Xullas kuz go'zal fasl!..

Odina NAZAROVA,
Bo'ka tumani, 1- maktabning 5-«G» sinf
o'quvchisi

АНЖУМАНДАН БИР КУН ОЛДИН

Пойтахтда ана шундай шеърят байрами бўлиб ўтишини эшитиб рости қувондик. Бундай анжуманлар миллат ёшларини ягона бир мақсад - келажаги буюк Ўзбекистонни куриш йўлида бирлаштиради. Шу сабаб бўлса керак, ушбу кунни орзиқиб кутдик. Иштирокчилар билан яқиндан танишиш мақсадида анжумандан бир кун олдин меҳмонлар жой-



лашган нафис санъат лицейига бордик. Лицей эшигидан кириб борар эканмиз, гўзал манзарага рўбарў бўлдик. Ҳаммаёқ озода супурилган. Тантанали лавҳалар осилган. Гўё аллақандай улуг байрамга тадорик кўрилгандай. Меҳмонлар жойлашган хоналарни бир-бир кўздан кечирдик. Уларга етарли шароит яратиб берилган. Юртнинг истеъдодли фарзандларига ғамхўрлигининг яна бир кўриниши бу! Кечга яқин лицей ўқувчилари билан анжуман иштирокчиларининг дўстлашув кечаси бўлиб ўтди. Шеърлар, кўшиқлар янгради. Ўқувчилар тугул уларнинг устозлари ҳам рақсга тушиб кетишди. Бошланиши ёмон эмас...

ОЧИЛИШ МАРОСИМИ

Байрам Ўзбекистон мадҳияси билан очилди. Республика Халқ таълими вазирлиги маънавият ва маърифат ишлари бошқармаси бошлиғи Жалолиддин Фозилов иштирокчиларни кутлаб, уларни огир ва шарафли вазифалар кутаётганлигини таъкидлади. «Давлатимизга сиздек истеъдодли ёшлар жуда жуда керак. Шунинг учун ҳам биз сизга суянамиз», деди у. Шундан сўнг «Гулхан» журнали бош муҳаррири Сафар Барноев, таниқли шоирлар Турсунбой Адашбоев, Икром Отамуродлар сўз олишиб, ёшларга ижодий зафарлар тилашди. Кеча ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 11 йиллик байрамига уланиб кетди. Ўзбек тили шаънига сўзлар айтилди. Анжуман шу билан ўз ишини бошлади.

АДАБИЁТ ГУРУНГИ

Четдан қараганда адабиёт кечаларини эслатадиган ушбу анжуманда вилоятлардан келган

«НАФОСАТ» ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРИДА НАФИС САНЪАТ ЛИЦЕЙИДА ЁШ ҚАЛАМКАШЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ «НАФОСАТ» ШЕЪРИЯТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ёш қаламкашлар ўз ижодий ишлари - шеър, мақола ва ҳикоялари билан иштирок этишади. Ҳакамлар ҳайъати уларни баҳолаб боради. Бунда ўз истеъдодини намойиш этмаган иқтидор эгаси бўлмайди. Шундайлар ҳам бўлдики,

икки-уч мартадан навбат олишди. Уларни тўхтатиб қолиш осон бўлмади. Ҳаяжон билан шеър ўқиётган иқтидор эгасини тўхтатишга ким журъат қила олади?! Ҳеч ким. «Биз ҳам ўқийлик», деган сўзлар эшитилиб қолади баъзан.

Ҳар ким ўз овозига эга. Тўғри, уларда ҳаваскорлик намуналари кўплаб учрайди. Лекин асосийси бу эмас. Муҳими ёшларимиз излана-япти. Ўз йўлини, овозини топишга интиляпти. Ана шунинг ўзи ҳам бахт. Уларнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари ҳам турлича. «Шеър ёзиш осон эмас. У фақат вазн ва қофиядан иборат бўлиб қолса, ижод намунаси саналмайди. Ахир бу ҳамманинг қўлидан келади. Шеър - бу фикр айтиш», дейди шаҳрихонлик Санобар Маҳмудо-

«Нафосат»да ўқилган шеър
ХУМО ҚУШИ СЎЗЛАРИ
 Тинчлик, иқбол қушиман,
 Ўзбекистон элида.
 Бахт улашгум беминнат,
 Эзгу ният дилимда.
 Ёмонлигу ёвузлик,
 Менга мутлақо ётди.
 Яхшилик ва эзгулик,
 Томиримда ҳаётди.
 Ўзбекистон гербида,
 Менинг аксим бор эрур.
 Жаннатмақон элимнинг
 Бахти барқарор эрур!
Ховважон ОДАМОВА,
Хоразм вилоятидаги
49-гимназиясининг ўқувчиси.

ва. Иштирокчиларни диққат билан кузатаман. Уларнинг барчасида бир ўй: «Қайси шеъримни ўқисам экан? Уларга шеърларим ёқармикан».

МЕЗБОНЛАР ЭЪТИРОФИ

Бу анжуман фақат иштирокчиларнинг байрами эмас. Нафис лицейининг адабиётга ихлоси баланд ўқувчилари ҳам бу тадбирдан катта маънавий озуқа олишди. «Кўпдан бери лицейимизда бундай катта байрам бўлмаган эди. Шу сабаб биз ҳам жуда ҳаяжондаммиз», дейди 9-синф ўқувчиси Илҳом

Жумаев. «Илҳом иккаламиз, тун бўйи меҳмонлар билан суҳбатлашиб чиқдик, уларга жуда ўрганиб қолдик, деб суҳбатга аралашди лицейнинг санъат бўлими ўқувчиси Диёржон Кўзибоев. - Бундан кейин ҳам улар билан хат орқали тез-тез боғланиб тураммиз».

Анжуман давомида нафис санъат лицейида самимий кайфият ҳукм сурди. Ҳамманинг қўли таъзимда. «Фаррух, четга чиқ, меҳмонлар келаяпти», дейди ёнимдаги йигит шеригига юзланиб. Ўзимча тўлқинланиб кетаман. Ҳамиша ана шундай кайфият ҳукм сурсин.

«Фаррух, четга чиқ, меҳмонлар келаяпти».

МАШҲУРАНИНГ «ҲАСРАТИ»

«Шуҳрат ака, хафа бўлмасангиз бир гапни айтаман». Овоз келган томонга юзланиб кўҳликкина қизга кўзим тушди. «Айтинг, - дедим ҳайратланиб. - Бу қизни нима ҳам безовта қиларди, ҳойнаҳой, матбуотда шеърларимни кам босишди, деб шикоят қилса керак», ўзимча ўйлайман.

- Ҳар йили қатор газета-журналларга обуна бўламиз. Лекин жуда кам етиб боради. Бунинг устига кеч. Мисол учун, газеталарда танловлар эълон қилинади. Газета бизнинг қўлимизга етиб борганида танлов ниҳоясига етган бўлади. Бизнинг ҳам танловларда қатнашгимиз, матбуот билан ўз вақтида танишиб боргимиз келади. Телевидениеда ҳам вилоятдаги тенгдошларимизни кам кўрсатишади. Баъзан ўйланиб қоламиз: биз ҳам шу Ватаннинг келажакимиз. Бизда ҳам орзу бор. Биз кимга дардимизни айтаммиз? Кимга суянамиз?

Аччиқ, аммо бу гапларни эшитиб, кўнглим ўксинди. Нима ҳам дер эдим. Рўпарамдаги қиз тўғри гапни айтаяпти. Ҳам ўкинч, ҳам ҳайрат билан суҳбатдошимнинг исм-шарифини, манзилгоҳини ёзиб олдим: «Машҳура Муродилла қизи. Шаҳрисабз туманидаги 41-мактабнинг 11-синф ўқувчиси».

Ана шундай ёшларнинг борлиги кишига шижоат бағишлайди.

Изланишга ундайди.

ДЎСТЛИКНИНГ ҒАЛАБАСИ

Анжуман ўз ишини якунлади. Ёшларнинг ижоди устозларнинг яна бир синовидан ўтди. «Нафосат» шеърят анжуманининг яхши бир жиҳати бор. Унда голиблик бўлмайди. Ҳамма иштирокчи голиб. Ҳаммага тенг совға улашилди. Аслини олиб қаралганда ҳам вилоятда голиб деб топи-



либ, республика миқёсида танловда иштирок этишликнинг ўзи бир голиблик. Бу гап ҳам шундай бўлди: Дўстлик ғалаба қилди! Бир-бирини яхши билмаган, танимаган, турли хил муҳитда тарбия топган кўнгиллар дўстлашди. Диллардан дилларга кўприк солинди. «Нафосат»нинг олтин кўприги! Шунинг учун ҳам биз ушбу анжуманни орзиқиб кутамиз. Шунинг учун ҳам у бизга севимли! Яна бир гапни айтиб ўтишни хоҳлардим. Шо-гирдлари ёнида бирга бўлган, унинг ютуқларидан масрурланган устозлар ҳақида ҳам илиқ гаплар айтсак арзийди. Самарқандлик таниқли шоир Олқор Дамин, фарғоналик Вали Аҳмаджон каби фидойи устозларнинг меҳнати таҳсинга сазовор.


СЎНГИ СЎЗ

Мен мақолага шу ерда нуқта қўйсам ҳам бўларди. Лекин... Анжуман давомида жуда кўп нарсаларни ўйладим. Мустақиллик даври бизга улкан имкониятлар қаторида соғлом фикрли, иродаси бутун, энг муҳими, ўзига, халқига, келажакига ишонч ҳисси билан яшайдиган янги авлодни етиштириб берди. Бу авлодга ҳавасингиз келади. Улар том маънода миллатнинг эртаси, давлатнинг келажак. Улар - мустақиллик болалари! Буюк келажакни ана шу ёшлар куради. XXI аср ана шу авлоднинг асри бўлади. XXI аср Ўзбекистоннинг асри бўлади. Қанчадан-қанча Чўлпонлар, Ойбеклар, Зулфиялар улғаймоқда бугун!

Истеъдодли ёшларнинг ҳамиша кўп бўлсин, она - Ўзбекистон!

Шуҳрат ОРИФ.





БАТУМИДАГИ ИЛ-18 САМОЛЁТИНИНГ ХАЛОКАТИ

Ўтган ҳафтада Россия авиакомпаниясига тегишли Ил-18 самолёти Грузиянинг Батуми шаҳри осмонида ҳалокатга учради. Самолёт баландлиги 1650 метр бўлган тоғнинг 1550 метрдаги баландлигида тоғ қояларига урилиб, қулаб тушган. Мутахассислар авиаҳалокатга ноқулай, туманли об-ҳаво шароити сабаб бўлган деб таъкидлашапти. Самолёт ичида 83 та йўловчи бўлган. Улардан 11 таси самолёт бошқарувчилари, 61 таси Россия ҳарбийлари ва уларнинг оилалари, яна 11 таси ёш болалар бўлган. Самолётдаги барча йўловчилар ўша заҳотиёқ ҳалок бўлдилар. Ҳозиргача қутқарув ишлари давомида самолётга тегишли иккита қора қути топилди. Қора қутилар авиаҳалокат сабабларини янада ойдинлаштиришда катта ёрдам беради.



ДУНЁ ДАРЧАСИ

ФАРОЙИБ САЙЁХАТ

Одамлар самолётда, поездда, пароходда ёки машинада сайёҳат қилишади. Аммо дунёнинг бошқа усул билан ҳам айланиб чиқадиганлар топилиб туради. Англиялик 33 ёшли Роберт Бортсайд дунёда биринчи бўлиб ер шарини югуриб, сайёҳат қилди. Роберт Россия, Хитой, Австралия, Бразилия ва Африка қитъаларининг югуриб сайёҳат қилган биринчи одам бўлди. 1999 йили 1 апрелда Винусуэллада бу фаройиб сайёҳатга яқун ясалган эди.

ИСРОИЛДА ИККИЁҚЛАМА МУАММО

Яқин Шарқда вазият кескин бўлиб турган бир пайтда, Исроилда кучли ёмғир ёғиб, сув тошқинлари рўй бермоқда. Исроилнинг баъзи шаҳарлари бутунлай сув билан тўлган. Ҳозиргача сув тошқини оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони 25 кишига етган.

Исроилнинг чегарасида Фаластин аҳолиси билан Исроил ҳарбийлари ўртасидаги тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда.

ПАРИЖ. 68 ёшли баланд бўйли Франциянинг бешинчи президенти Жак Ширак очилаётган Россия - Европа ҳамкорлиги саметига раис этиб сайланмоқда. Етакчи сиёсатчи Жак Ширак сиёсат оламида узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Ҳозирги кунда Жак Ширак 7 та ривожланган давлатларнинг бирини президенти сифатида эътироф этилган.

ДУБАЙ. Ҳар куни 3 та бола Яқин Шарқдаги тўқнашувда ҳалок бўлмоқда. Яхудий ва Араблар ўртасидаги зиддиятли қонли тўқнашувлар иккинчи жаҳон уруши якунланиши билан бошланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган 90 та бола иккала томоннинг келишмовчиликлари қурбонига айланишган.

ТОКИО. Япония Вазирлар Маҳкамасининг бош котибиди Фидэнао Накогау, Япония полициясининг ноқонуний ҳаракатлари ва экстремистик гуруҳлар билан бўлган алоқаларнинг четда қолдиргани учун истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Унинг ўрнига қаттиққўл Либерал демократик партия намояндаси Ясуо Фукуда сайланди.

ФРАНKFУРД НА МАЙНЕ 2001 йилги режа бўйича Гиннесснинг рекордлар китобига бирдан икки немис супер модельерлари Клаудия Шиффер ва Хайди Клунлар сазовор бўлишди. Клаудия Шиффер дунёнинг энг қимматли маникениши бўлиб, унинг 1999 йилги маблағи 18 млн. маркага баҳоланди. Шу билан бирга унинг Мальоркадаги вилласи ва Ноттин Хилдаги уйлари 120 млн. маркага баҳоланди.

СОФИЯ. Болгария ва Россияда (Исо пайгамбар) туғилиши масжидининг ёдгорликларини қайтадан тиклаб, асл ҳолатига келтириш ишлари бошланмоқда. Масжид XIX-аср охири XX аср бошларида машҳур Россия саркардаси граф Игнатъев бошчилигида қурилган эди.

ДУНЁДАГИ ЭНГ БОЙ ОДАМ

Албатта бой бўлиш жуда яхшику, лекин бой бўлгандан кейин саҳий, етимларга нисбатан раҳмли ва энг асосийси кеккаймасдан, ўзини ҳам барча одамлар қаторида кўриш лозим.

Билмадим, сизларга ҳикоя қилаётганим, яъни дунёнинг энг бой одами саҳийми? Ё раҳмдилми? Ёки умуман ҳасисми? Хуллас, у энг бой одам. Танишинг, бу MICROSOFT компаниясининг директори Билл Гейтсдир. Бу компания компьютер ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Жаҳонга машҳур Windows дастурларини ҳам айнан шу компания яратади. Internet-халқаро ахборот тармоғини ҳам дунёга тарқатишда ушбу компаниянинг хизмати катта.

Охирги маълумотларга қараганда, Билл Гейтснинг йиққан маблағи 90 миллиард долларни ташкил этади.

ФАРЗАНДЛАР МОДАГА АЙЛАНМОҚДА

Кейинги вақтларда Англияда ғалати одатлар вужудга келмоқда. Англияликлар ўзларини кўз-кўз қилишнинг ажойиб йўлига ўтиб олганлар ва бу нарсани англияликларнинг ўзларига ҳам ғалати туюлмоқда. Улар ўзларининг фарзандларини ҳамроҳ сифатида олиб юришга одатланиб бормоқда. Англия бош вазири Тони Блэрни оммавий ахборот воситалари томонидан 4 нафар фарзанди билан тез-тез ойнаи жаҳон орқали чиқиб турибди. Футбол юлдузи Дефид Дэксэн журнал саҳифаларига ёки рекламаларга ўгли Бруклэн билан тушмоқда. Антрополог Демон Морис таъкидлашича, ҳар бир одам ўзи учун янгиликлар ва қулайликлар яратади ва бу ҳол ўзига билинмаса ҳам четдан кузатганлар учун сезиларли ҳолдир. Бу ғалати одат XXI аср англияликлар модасига айланиши мумкин.

INTRODUCING ТАНИШУВ

- What is your name?
- What is your profession?
- Do you have a family?
- Are you married?
- How many childrens do you have?
- How many languages do you know?
- In which countries have you been?
- ҲОЛ-АҲВОЛ СЎРАШ
- How do you do?
- How are you?
- How is your family?

НУҚТАЛАР ЎРНИГА МОС КЕЛУВЧИ СЎЗЛАРНИ ҚЎЙИНГ - PUT THE RIGHT ANSWERS INSTEAD OF PERIODS

- A). This river is very
- 1 Strong
- 2 Weak
- 3 Windy
- 4 Choppy
- B). Our apples are very and
- 1 Hot/cold
- 2 Dirty/clean

- 3 Ripe/juicy
- 4 Old/new
- C). The is king of animals.
- 1 Panther
- 2 Lion
- 3 Wolf
- 4 Tiger
- D). We pour or bring water in
- 1 Cars
- 2 Horses
- 3 Cups
- 4 Pails
- E). The fishes live in the
- 1 Air
- 2 River

- 3 Ground
- 4 Farm
- F). The things that you eat and you wear you can buy for
- 1 Richness
- 2 Bread
- 3 Money
- 4 Time
- G). My mother and father are for me.
- 1 Grandmother
- 2 Parents

ИНГЛИЗ ТИЛИ СИЗ УЧУН ENGLISH FOR YOU



- 3 Relatives
- 4 Brothers
- H). is the highest mountain all over the world.
- 1 Everest
- 2 Kilimanjaro
- 3 Alpes
- 4 Colorado
- I). is the longest river in the world.
- 1 Amazonca
- 2 Mississipi
- 3 Nile
- 4 Thames
- K). is the hottest continent of the world.
- 1 Europe
- 2 Africa
- 3 Asia
- 4 Australia
- J). is the smallest country in the world.
- 1 Malta
- 2 San-Marino
- 3 Vatican
- 4 Cyprus.

Кўш саҳифани ШОҲРУҲБЕК ва ШАРОФИДДИН тайёрлади.

ЗОЛДУЗЛАР МУЖАСИ



Жухи Чавла ҳинд киноси-га кириб келишидан аввал, узоқ йиллар мобайнида фотомодель бўлиб ишлаган эди. Чунки тангри таоло Жухини чирой, ҳусн, қадди-қомат, латофат, шахло кўзлар ва назокат борасида яхшигина сийлаган. Жухи фотомодель бўлиб ишлаб юрган даврида ҳам уни деярли бутун Ҳиндистон танирди. Бундан бир неча йил олдин Жухи "Мисс Индия", яъни "Ҳиндистон гўзали" танловида қатнашди. Жухига қойил қолмасдан иложимиз йўқ, у яна-ман деган ҳинд гўзалларини ортда қолдириб, мусобақада ғолиб чиқди ва "Ҳиндистон гўзали"

деган номга сазовор бўлди. Бундан илҳомланган Жухи ўзини кинода актриса сифатида синаб кўрмоқчи бўлди. Кўпгина кинорежиссёрлар Жухини ўз фильмларига бош ролда ўйнаш учун таклиф қила бошладилар.

Жухи ҳинд киносига мафтункор актриса сифатида

кириб келганидан сўнг, у суратга тушган фильмларни бутун Ҳиндистон севиб томоша қила бошлади. Жухи Ҳиндистондаги энг машҳур киноактёрлар билан бирга кўп марта бир фильмда суратга тушиш бахтига муяссар бўлган акт-

рисадир.

Мухбирлар Жухига: "Қайси актёр билан бирга рол ўйнаш

сизга кўпроқ ёқади?" деб савол беришганида, у қуйидагича жавоб берди: "Шоҳрух Хон ва яна Шоҳрух Хон билан, чунки у одамни зериктирмайди, ўзи ижро этаётган ролга тез киришиб кетувчан инсондир".

Мана ҳозирги кунда Жухи Чавла ҳинд киноси осмонида чақнаган порлоқ юлдузлардан биридир.

Яқинда Жухи телевидение орқали чиқиб, ажойиб бир кўшиқ ижро этди. Бу фонограмма эмас,

Жухининг хақиқий овози билан ижро этилган кўшиқ эди. Энди у кўшиқ айтишга астойдил киришганга ўхшайди. Жухи ҳар кун эрта-лаб кўшиқ куйлашни бир неча соат давомида машқ қилмоқда.



Juhu


Яна бир янгилик, Жухи Чавла яқинда машҳур ҳинд кўшиқчиси Алиша Чинай билан бирга дуэт бўлиб кўшиқ ижро этишга розилик берди. Бу икки ажойиб овоз ва ҳусн соҳибаларининг биргаликда ижро этадиган кўшиғи мухлислар қалбидан чуқур жой олади, деган умиддамыз.

ТАНИҚЛИ КИНОАКТРИСА: "УРГАТГА ЭЛЧИ БУЎЛИБ ИШЛАМОҚЧИЛИГИНИ АЙТДИ"

Таниқли киноактриса Маниша БМТнинг Аёллар Тараққиёти Фондида кўнгилли элчи бўлиб ишламоқчилигини айтди.

Актрисанинг бундай ишга киришига сабаб, у Ҳиндистондаги ва Непалдаги аёллар ҳамда болаларнинг ҳуқуқ, эркинлигини ҳимоя қилмоқчи. Чунки айнан мана шу икки давлатда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари поймол этилмоқда, уларга нисбатан зўравонлик қилинмоқда.

Манишанинг бу каби савобли иши кўплаб киноактёр ва актрисаларга ўрнак бўлади. Балки, улар ҳам халқ ҳамда давлат фаровонлиги йўлида эзгу ишларни бошлаб юборишар. Ахир "Хайрли ишнинг кечи йўқ" деб айтадиларку.



ГАРЧИ АБХИШЕК БАЧЧАН КИНОГА ЯҚИНДАГИНА КИРИБ КЕЛГАН БЎЛСА-ДА, УНИНГ ИШТИРОКИДАГИ ФИЛЬМЛАР ТЕЗ СУРАТДА ҲИНДИСТОН БЎЙЛАБ ШУХРАТ ҚОЗОНМОҚДА.

Гарчи Абхишек Баччан кинога яқиндагина кириб келган бўлса-да, унинг иштирокидаги фильмлар тез суратда Ҳиндистон бўйлаб шухрат қозонмоқда.

Масалан, Абхишек илк бор суратга тушган "Refugee", яъни "Қочоқ" фильмини олайлик, ушбу фильм барча ҳинд киномухлисларига манзур бўлди. Ахир кинода, биринчи марта ижро этган роли билан барча мухлисларни лол қолдириб, машҳур бўлиш осон ишми?

"Refugee" - "Қочоқ" фильмидан сўнг Абхишек "Tera Jadoo Chal Gaya" номли фильмда суратга тушди. Бу фильм ҳам тез орада шухрат қозонди. Ушбу фильм Ҳиндистон кинотеатрларида намойиш этилаётган пайтда, Абхишек яна бир янги фильм "Dhai akshar prem ke"да суратга туша бошлади.

Бунчалик қисқа вақт ичида бу қадар омадли ва барчага манзур бўладиган фильмлар яратиш ҳамма актёрларнинг ҳам кўлидан келавермайди.

ЯРИМ АСР ҚАДИМГА САЙЁҲАТ

Ҳар йили Ҳиндистонга минглаб туристлар ташриф буюришади. Туристлар Ҳиндистон халқининг урф-одати, яшаш тарзи ва маданияти ҳамда у ердаги қадимги обидаларни томоша қилишга ва яқиндан танишиш учун боришади. Ҳиндистондаги Раджасҳам штатининг туризм билан шуғулланувчи ташкилотлар меҳмонларни Ҳиндистонга янада жалб этиш мақсадида XX аср ўрталарида яратилган Бэнтли, Должи, Кадилак, Судудбеккер каби эски моделдаги автомобилларни туристик хизмат учун жалб этган. Жайпур шаҳрида 250 дан ортқ эски моделдаги туристик таксилар меҳмонлар хизматида. Меҳмонлар афсонавий Ҳиндистон билан танишишни асрнинг энг эски автомобиллари билан сайр қилишмоқда. Туристлар учун ярим аср қадимга сайёҳат таассуротларини тақдим қилишмоқда.

Азиз ҳинд киносининг мухлислари! Сизлар севиб томоша қиладиган "Зита ва Гита", "Қасос ва қонун", "Севимли Раджа", "Самраат", "Андоз", "Али Бобо ва қирқ қароқчи" фильмларида бош ролларни ижро этган актриса Хема Малинини барчангиз яхши танисангиз керак. Қуйида эътиборингизга Хема Малини билан бўлган суҳбатни ҳавола этамиз. Ушбу интервью актриса томонидан Ҳиндистонда чиқадиган "Cine Blitz" журнаliga, 2000 йилнинг 25 октябрь куни берилган.

Мухбир: -Сизни актрисалар орасида энг машҳур ва энг ҳурматли бўлишингизга асосий сабаб нимада деб ўйлайсиз?

Хема: -Менимча, шон-шухрат сари унчалик ҳам интилма-

га нима бўлса керак.

Гарчи улар буюк актёрлар бўлсалар ҳам, мен ҳеч қачон эркаклар ортдан югурмаганман. Мен бундай машҳурликка эришишда кўплаб машаққатларга дуч келдим. Қизларимни мен каби қийналиб, машҳур бўлишларини хоҳламайман.

Мухбир: -Бугунги кунда сиз режиссура билан шуғулланаётган экансиз, бу касб қийинлик қилмаяптими?

Хема: -Йўқ, мен режиссёрлик касбини севаман. Ҳозирга қадар мен режиссёрлик қилган 2 та фильм суратга олинди ва қилган меҳнатимдан қониқдим. Улар "Dil Ashna Hai" ва "Mohini" фильмларидир.

Мухбир: -Рақс санъатида муносабатингиз?

Хема: -Мен болалигимданок рақсга тушишни ёқтирардим ва раққоса бўлишни орзу қилардим. Мен рол ўйнаган кўплаб фильмларимдаги рақсларни ўзим сахналаштирганман. Рақс- ҳаётимнинг ажралмас қисмидир.

Мухбир: -Эътиқод ҳақида фикрингиз?

Хема: -Эътиқод инсоннинг

ҳаётини ижобий томонга ўзгартиради. Динга эътиқод қилишни болалигимда онам Индира Деви ўргатганлар. Фақат онам ту файлигина мен ўзимни худога яқин ҳис эта бошладим.

Мухбир: -Онангиз актриса бўлишингизга қарши эмасмидилар?

Хема: -Гарчи онам қаттиққўл инсон бўлсаларда, лекин айнан онам мени кинога етаклаб келганлар. Мен эса фарзандларимга онамдек қаттиққўл бўлмасликка ҳаракат қиламан.

Мухбир: -Оилангиз ва фарзандларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

Хема: -Турмуш ўртоғим машҳур актёр Дхармендрадир. Икки ўғил, икки қизнинг бахтли ота-онасимиз. Ўғилларимиз Санни ва Бобби Деоллар киноактёрлардир (Санни Деол ўзбек томошабинларига "Севги афсонаси" фильмидаги Иззат образи орқали яхши таниш). Катта қизимиз Экта ўзимга ўхшаган раққоса, уни актриса бўлишини хоҳламайман. Кичик қизим мактабда ўқийди.

Мухбир: -Ҳанузгача гўзал ва хотиржамлигинингизнинг сири нимада?

Хема: -Бу саволга жавоб бериш мен учун мушкул. Кўпчилик менга бу саволни беради. Балки олдий, арзимас нарсалар деб кўнгилхиралikka йўл қўймаслигимдадир.

Мухбир: -Мухлисларингизга тилакларингиз?

Хема: -Меҳр-оқибатли бўлинглар, бир-бирингизни севиб яшанг. Эзгуликка бошловчи фильмларни кўпроқ кўринглар.

ЙИҒИСИ ҲАМ ХУДДИ ҚЎШИҚДЕК

1913 йилда Қўқоннинг Тоғлигида бир қизалоқ дунёга келади. Бошқа чақалоқлардан анча катта бўлган бу чақалоқнинг йўғон овоздаги йиғиси ҳаммаёқни тутиб кетади. Доялар “Бу илоҳий чақалоқ бўлса керак” дея ҳайратланишади...

Қизалоққа Ҳалима дея исм қўйишади. Унинг йиғисиди ҳам қандайдир оҳанг бордек, худди қўшиқ куйлаётгандек эшитиларди. Ҳалиманинг Адолат исмли ўғай опаси бўлиб, у ниҳоятда яхши қўшиқ куйларди. Қўшиқ айтгани учун жазолаб, уни отхонага қамаб қўйишади. У шунда ҳам куйлайверади. Икки ёшли Ҳалима эса эмаклаганича унинг ёнига бориб, оёқлари тагида қўшиққа ҳамоҳанг тебраниб турган экан...

ҚИЗ-ҚИЗИМ, ҚИРМИЗ ҚИЗИМ,

Эрка қизим, серка қизим,

Ҳали дунё кўради бу қизим, -дея хиргойи қилганча Ҳалимани бўйнига ўтказиб олиб юрарди, дадаси Муҳаммад Носир ота.

Ўша пайтларда дорбозлар қишлоқма-қишлоқ юриб, томошалар кўрсатишар экан. Улар чалаётган ноғора овозини эшитиши билан ажриқлардан ковуш тўқиб, пахтадан копток ясаб, дугоналари билан ўйнаб юрган Ҳалима югурганча дорнинг тагига келиб:

“Бака-бака- банг,

Дор ўйнанг.

Дордан йиқилиб,

Биздан кўрманг”,

дея баралла қўшиқ бошлаб юборар экан.

Овозининг ниҳоятда баландлигиданми унга ҳамқишлоқлари “Дулихон” деб ном қўйишган экан...

ИЛОҲИЙ ОВОЗ СОҲИБАСИ

Тоғлининг баланд - пасткам адирларида, поёнсиз кенгликларида ўз холича хиргойи қилиб юрган Ҳалима махоннинг истеъдоди оғиздан-оғизга кўчди. 12 ёшли қизалоқ Андижондаги драмтеатрига қатнай бошлади. Тўхта-син Жалил, Аҳмаджон қўшна, Абдуқодир най, Хайтохун тамбурчи сингари санъаткорлар кўмагида куйга солиб, қўшиқ айтишни ўрганди. Уни “Илоҳий овоз соҳибаси” деб атай бошлади. Боту Рисулов, Комол Шарипов сингари ёшлар етакчиларининг ҳам эътиборига тушган Ҳалима 16 ёшида 20 кишилик гуруҳ сафида Бакудаги драма юртига ўқишга отланади. “Аршин Моло-лан”,

ДАРЁЛАРДЕК ҚАЁТМИ ҚАЁТ

“Ойдин”, “Ҳалима”

каби спектакллардаги қатор ролларини Бакуда яратди. Кейинчалик Сидқий, Руҳилла, Улвий, Шайх Сарвар сингари устозларидан сабоқ олди. Уларнинг ёрдамида Шекспирнинг

“Отелло”сидаги Дездемона, Маннон Уйгурнинг “Турсуной”идаги Турсуной сиймоларини яратди. “Ҳамза” ва “Алишер Навоий” номидаги опера ва балет театрларининг жуда кўплаб спектаклларда бетакрор роллар яратган Ҳалима махон опа халқимизнинг



Суратда «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Ҳалима НОСИРОВА набираси Гулмирахон билан

Азиз болажонлар! Хабарингиз бор, шу йил сентябрь ойида Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи юртимизнинг олий мукофотлари билан тақдирланишди. Мукофотланганлар орасида сеvimли хонандамиз Ҳалима опа Носирова ҳам борлар. Онахонимиз бетакрор истеъдоди, уруш йилларидаги машаққатли меҳнатлари, кўп йиллик самарали ижоди, юртимизда маданият, санъат соҳасини ривожлантириш йўлидаги хизматлари эвазига “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотландилар.

Ҳа, дарвоқе, бува ва бувиларингизнинг сеvimли санъаткори бўлган Ҳалима опа Носировани кўпчилигингиз танимасангиз ҳам керак-а? Узоқ йиллар давомида телевидение экранларидан тушмай келган санъаткоримиз ҳозирда 86 ёшларида кексалик гаштини сураптилар.

Олий мукофот билан қутлаш, шу баҳона бироз суҳбатлашиш илинжида уйларига йўқлаб бордик.

эъозли ва ардоқли санъаткорига айланди. 17 ёшида “Лайли ва Мажнун” спектакли учун Ўзбекистонда хиз-

қўллаб-қувватлашдек савобли ишларга улуш қўшди...

Ҳалима опа худо ярлақанг инсон. Ҳаётда ниманики орзулаган бўлса, барчасига эришган, армонлари йўқ санъаткор. Шу билан бирга икки нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, 5 набира, кўплаб чевараларнинг сеvimли бувиси ҳамдир. Фарзандлари, набиралари ҳаётининг мазмуни унинг. Ўғли Баҳодиржоннинг техника фанлари номзоди, инженер-энергетик эканлигини, кўплаб кашфиётлар муаллифи бўлганлигини, қизи Нодирахоннинг эса Москва Давлат Университетида дарс бераётганлигини, ҳаммадан ҳам суюкли набираси Гулмирахоннинг номи биринчи мультипликатор аёл сифатида Гиннеслар китобига киритилганлигини фахр ва ифтихор билан сўзлаб юради.

Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Дарёлар бор, инсонларга нафи тегмай, ер бағрига сингиб кетадигандек, дарёлар бор шиддат билан мавжланиб, ҳайбатли электростанцияларни ҳаракатга келтирувчи, одамларга зиё улашувчи. Ҳалима опа Носированинг ҳаёт йўлини ана шундай дарёларга қиёсласак арзийди.

Феруза АБДУСАМАД қизи.



НОҲИ СИДДИҚХО'ЖА ШОШИЙ

ҚАФФОЛИ ШОШИЙ БОБОМ

Ming yil avval o'tganlar Qaffoli Shoshiy bobom, Ko'p mashaqqat chekkanlar Qaffoli Shoshiy bobom.

Hunarleri qulfsoz, rostgo'y, Pokiza, mumtoz, Muhaddis, qonundhunos Qaffoli Shoshiy bobom.

G'oyatda farosatli, yuksak did, nafosatli, Toliblarga ibratli Qaffoli Shoshiy bobom.



Ustozlari Tabariy, kalomshunos Ash'ariy, Shularga ergashganlar Qaffoli Shoshiy bobom.

«Husni jadal»ni yozib, «Adab al qozi»tuzib, Bu dunyodan o'tganlar Qaffoli Shoshiy bobom.

«Hadis» ilmiga mohir, har bobda ahli zohir, Bitiklari javohir-Qaffoli Shoshiy bobom.

Miskinni siylaganlar, boshini silaganlar, Olloh deb yashaganlar Qaffoli Shoshiy bobom.

Siddiqxo'ja Shoshiyman, yaxshi so'zni tashiyman, Sizni qutlab yashayman, Qaffoli Shoshiy bobom.

NABIRAM IKROMJONGA

Yettiga kirdi Ikrom, Men uchun bu -aziz nom.

Marhum bobomning nomi, Shundandir ehtiromim.

Bobomdek aziz bo'lg'in, Ko'p yasha, yuzga to'lg'in.

Qalbingda bo'lsin iymon, Sharmu hayo va vijdon.

OTALAR YOZADI

Olohni qo'yuma tildan, Elingni sev chin dildan.

Komilu fozil bo'lg'in, Hurmatga arzir bo'lg'in!

Otajoning izzat qil, Onajoning hurmat qil.

Baxting barqaror bolsin, Umring bahordek kulsin.

QOVUN

Olgan edik «Ko'kturna», Juda ham shirin chiqdi. Hech kim qilmadi gina, Mehmonlar ham miriqdi.

Ekan bobodehqonga, Hamma dedi ming rahmat. Rohat baxsh etdi jonga, Ko'rmasin tani hech dard.

Goho tushsang bozorga, «Dod»devorgin keladi. Hamak sotgan dehqonni, Shart yevorgin keladi.

Kimki halol mirishkor, Omon bo'lsin, gullasin. Kim lo'ttiboz bo'lsa gar Quvligini «pullasin».

ОРОЛ ТАҚДИРИ

Момоннинг ривоят қилишлари-ча, бир сайёҳ саҳрода адашиб қолибди. Сувсизликдан тинкаси қуриган бу кимсанинг кўзига узоқдан сувга шуъласи тушган қуёшнинг нури кўринибди. Буни кўрган сайёҳ умидвор бўлиб, сувга қараб дадил қадам ташлаб бораверибди. Саҳрода кўзига кўринган қуёш шуъласи сароб бўлиб чиқибди. Сароб сайёҳда умид уйғотиб, ўз оиласи бағрига қайтарибди. Онам доимо: «Сувга тупурманг, сувга тупуриш гуноҳи азим ҳисобланади», - деб таъкидлайдилар.

Орол тақдири - олам тақдири. Амударё ва Сирдарё сувлари камайиб, Орол денгизига жуда кам қуйиладиган бўлди. Оролнинг қуриши эса бир қатор муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Фақатгина Оролбўйи аҳолисигина эмас, балки бизнинг Навоий вилоятимизда ҳам камқонлик ҳамда ногирон болаларнинг туғилиши кўпаймоқда.

«Ҳечдан кўра кеч», дегандаридек, Оролни кеч бўлса-да, сақлаб қолсак, она табиатни асраб қолган бўламыз.

Сувга тупуришни увол деб билган, Ота-боболарнинг сўзин эслайлик. Ҳаётда савобни энг афзал билган, Ислому ҳадисларини бир-бир эслайлик.

Ойдин ШАРИПОВА, Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 48-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

Менинг фахрланса арзигулик онажоним - Маҳмуда Валиева Юнусободдаги 274-мактабда муаллима бўлиб ишлайдилар. Онажоним ҳақидаги дил изҳорим дарёдан бир томчи, холос. Улар ҳақларида дoston ёзсам ҳам озлик қилиши турган гап.

ТАЪРИФИГА ТИЛ ОЖИЗ

Онажон, Сиз ҳақингизда ёзар эканман, рости аввалига анча-мунча ўйлаб қолдим. Сизнинг қайси гўзал фазилатингизни ёзайки, ёзганларимда Сиздаги барча хислатлар ўз холича намён бўлса. Сиздаги бошқаларда такрорланмас самимийлик, меҳрибонлик, камтаринлик, ширинсуханлик, вақти келганда талабчанлик, қаттиққўллик каби кўплаб хислатларингизни оддий сўзларим билан таърифлай олармиканман...

Онажон, мен Сизни болалигимдан ҳеч бир онага қиёслаб олмайман. Бола эканман-да, дунёда ҳеч ким мендек Сизни, Сиздек мени яхши кўра олмайди, деб тасаввур қилардим. Тасаввурим шу қадар болача эканлигини йиллар ўтиши билан англай бошладим.

Чунки дунёда қайси Она ўз жигаргўшасини, қайси фарзанд эса волидаи муҳтарамасини севмайди, дейсиз?! Болалик қилиб шўхлик қилган дамларимда ҳам ҳечам урушмасдингиз, койимасдингиз. Ширин-ширин гапларингиз билан аста тушунтира бошлардингиз. Сўнгра гапларингизни қанчалик ўзимга қабул қилганимни текшириб ҳам кўрардингиз.

ИЛОН ИНИДАН ЧИҚАРКАН...

-Ойижон, нима учун шўхлик қилиб сизга ҳалал берсам, жаҳлингизни чиқарсам ҳам урушмайсиз?-деб сўрасам, меҳрибонлик билан бошимни силаб, шундай дегандингиз:

-Урушганим билан нима фойда. Сен ақли, ҳамма гапни тушундиган, ўзимнинг асал қизимсанку. Ётиги билан тушунтирсам албатта айтганларимни қиласан, тўғрими? Яхши гапга илон ҳам инидан чиқар экан. Биз эса инсонлармиз. Гапларимдан ўзинг хулоса чиқаргин, ой қизим...

Бу гапларингиздан кейин қандай қилиб шўхлик қилиб Сизни ранжитай. Шу-шу дунёда энг яхши нарсалардан бири яхши гап эканлиги ёдимда муҳрланган.

ОЙ ҚИЗИМ

Укам билан тортишиб қолган дамларимизда иккимизни дарҳол қошингизга чорлаб, ҳали биз эшитиб улгурмаган эртақними, ривоятними айта бошлардингиз. Ривоят доим яхшилик билан тугар эди. Сиз жудаям кўп ривоятлар, эртақлар билар эдингизки, уларнинг ҳаммасини эшитиб тўймас эдик. Ўша ривоятлар ҳозирда оққорани ажратишга қийналаётган дамларимизда бизга асқотяпти, тўғри йўлни танлашда ёрдам беряпти. Укам билан мени эркалашларингиз ҳамон ёдимда, мени "ой қизим", укамни эса "тойчоғим" деб чақирардингиз. Ҳозир кап-катта бўлиб қолганимизда ҳам шу эркалаб чақирардингизни қўймайсиз, Онажон!

Азиз болажонлар! Барчангиз кўчадан қайтар экансиз, уйга кириб оларҳол онангиз уйдами, йўқми аниқлаб оласиз, шундайми? Онажонингиз уйда бўлсалар кўнглингиз хотиржам тортади, аксинча, уйда бўлмасалар ниманидир йўқотиб кўйгандек, онажонингиз келишларини сабрсизлик билан кута бошлайсиз. Ҳаяллаб қолгудек бўлсалар, кўчадан тез-тез хабар олишингиз ҳам турган гап. Мана, онажонингиз келдилар. Бугунги сирларингизни, дардларингизни тезда улар билан бўлингиз ва улардан маслаҳат олгингиз келади.

Ҳа, тондингиз, бугун Сизлар билан дунёдаги энг муътабар зот, ҳаётимиз мазмуни, умримиз қувончи, қалбимиз гавҳари бўлмиш Онажонлар ҳақидаги фикрларимиз билан ўртоқлашамиз. Бирингизнинг онангиз тикувчи, бирингизники ўқитувчи, шифокор, яна бирингизники эса уй бекаси ва ҳоказо. Ҳар бирингизнинг кўнглингизда онажонингиз ҳақида фахрланиб, гурурланиб айтадиган гапларингиз кўп бўлса керак-а? Бу сўзларни кимга айтишни билмайсиз, албатта.

Келинг, азиз ўқувчилар, онангиз ҳақидаги илиқ фикрларингизни бизга хат орқали ёзиб юборинг. Сиз учун газетамиз саҳифасида "Онам ҳақида сўз" янги рубикани ташкил этдик. Энди бизга бу мавзуда хоҳлаганингизча мактуб йўлланг. Чунки онажонларни ҳар қанча улуғлаш, кўқларга кўтариш, ҳурматлаш биз фарзандларнинг бурчимиз ҳисобланади. Шу ўринда шоира Турсуной Содиқованинг мана бу мисралари ёдимга тушди:

*Мен онамни шундай қуйлайки,
Муз қалбларни ёқсин, сийдирсин.
Шундай қуйлай, фарзандки бордир,
Онасига бориб сизгинсин!*



лод учун" ордени билан тақдирландингиз. Мен бу кунни сира ёдимдан чиқармайман. Чунки Сизнинг қувончли кунингиз менинг бахтли куним ҳисобланади.

КҮНФИРОҚ ХУШҲАБАРИ

Ишдан уйга қайтиб, уй юмушларини бажарар эканман, Сиз билан адажонимни соғинганимни пайқадим. Дам олиб, ойнаижаҳонни томоша қилиб ўтирсам, телефон жириглаб қолди. Гўшакдан адажонимнинг овозларини хурсанд бўлиб кетдим. Адажоним:

"Гулюз, қизим, ойижонингизни табриклар, улар "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирландилар.

Бу хушхабарни эшитиб, бошим осмонга етди. Қани энди шу дамда олдингизда бўлиб қолсаму, биринчи бўлиб Сизни ўзим табрикласам...

БЕРГАН САБОҚЛАРИНГИЗ

Ҳозир Сизни олдингидан ҳам кўпроқ соғинаман. Чунки қиз бола палаҳмон тоши... уйда берган панднасихатларингиз, ўғитларингиз ҳозирда менга жуда катта ёрдам бермоқда. Қиз бола сепли эмас, эпли бўлсин, дердингиз. Ҳозирда эришган ҳурматим, обрў-эътиборим, ютуқларимнинг барчаси Сизнинг насихатларингиз туфайли. Вақтида берган ўғитларингиз сабабли.

СИЗ БОР ЭКАНСИЗ

Сиз бор экансиз орамизда меҳроқибат абадийдир. Сиз бор экансиз гўзаллик, нафосат сари талпиниб яшаймиз. Чунки Сизда ҳаётдаги барча гўзал фазилатлар муҳассамлашган, ҳаётга меҳр-муҳаббат ҳам Сизда бисёрдир. Шундай бўлса-да, бу нарсаларни таърифлашга ожизман.

Айтганларим, ёзганларим, таърифларим дарёдан бир томчи холос. Ёшлигимдан яхши орзулар қилганман. Шу орзуларимнинг кўпига эришдим. Орзуларимдан бири Сиз каби севимли, латофатли бўлиб, бахтли турмуш кечирши. Сиз каби ҳурматга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрнимни топиши.

Гулюз ОРИФЖОНОВА.

Болалар! Гулюз онангиз сизга янги руки очиб берди. Сиз ҳам бизга ўз онангиз ҳақида кичик лавҳалар ёзиб юборинг. Энг иктидорли ёш ижодкор учун тахририятимиз аъзоси, талбиркор олим Эргашвой Сариковнинг 3 дона қимматбаҳо совғаси бор. Бу совға ақлингизга ақл қўшиб, фикрингизни чархлайдиган УРГА-ТУВЧИ ЭЛЕКТРОН УЙИНЛАРИ қурилмасидир. Совғани болаларни хиноя қилиш кунини 1 июнда Эргашвой Сариковнинг ўзлари топширадилар.

МЕНИНГ ОНАМ

АЛЛАНИ ЧАҚАЛОҚЛАРГА АЙТАДИЛАРМИ?

Эсимда, Ойижон, беш, олти ёшларимда ҳам менга алла айтардингиз. Айтган аллаларингизни тинглаб, хаёлларим алла сўзларига кетарди...

*Кундузим десам-да оз,
Юлдузим десам-да оз.
Ухла, қизим, алла-ё,
Ширин сўзим, алла-ё...
Гул қизим, гулюзлим,
Гулданда нозик қизим.
Бахтинг бекам бўлсин-а,
Аллам ором берсин-а.
Асал қизим алла-ё,
Ширин сўзим алла-ё...
Бир кунни Сиздан:*

-Ойижон, мен катта қиз бўлдимку, нима учун ҳалиям алла айта-сиз? Аллани чақалоқларга айтишадик-ку,- десам, Сиз:
-Катта бўлиб ақлингизни таниганингизда ҳам, ойижон, бувижон бўлганингизда ҳам адажонингиз билан мен учун барибир бола бўлиб қолаверасан,- деган эдингиз.

Ҳа, онажон, бу гапларингизга эҳтимол ўша дамларда тушуниб етмагандирман. Мени ухлатиш учун аллани, бу сўзларни айтмасиз деб ўйлаган эканман-да. Аммо бугун гапларингизнинг маъносига тушуниб етмоқдаман. Меҳрингиз тафтини қанчалар қайноқ эканлигини ҳис қилмоқдаман. Ҳозир ҳам ўша болалигимдаги савол миямда чарх уради - ҳамма ҳам онасини мендек, мени Сиздек сева олармикан?...

ОНАГА АЙТИЛМАГАН СИРЛАР...

Онажон, мактабда ишлаганингиз учун уйимизга ўқувчиларингиз тез-тез келиб, Сизни кўриб кетишадди. Айниқса, қизлар ўз оналарига айтмаган сирларини Сизга айтишадди, мактублар ёзишадди. Керак вақтида улардан маслаҳатингизни ҳам аямайсиз. Ўқувчи қизларингизни жудаям яхши кўришингиз баъзида менга эриш туюларди. Чунки мен улардан сизни қизганар эканман-да. Уларга қанча кўп вақт ажратсангиз, бизга шунча вақтингиз кам қоларди-да.

ЎҚУВЧИЛАРИМНИ КҮРИБ ТУЗАЛАМАН...

Қишнинг совуқ кунларининг бирида Сиз касал бўлиб қолдингиз. Адажоним, укам ва мен атрофингизда парвонамиз. Фикру хаёлимиз Сизни тезроқ тuzалишингизда. Кўнглимизга ҳеч нарса сизмайди. Дам олиш кунимиз ҳам бир амаллаб ўтди. Душанба - биринчи иш куни. Вақтли туриб чой тайёрлаш билан оввораман. Уйга кириб пешонангизни ушласам иситмангиз бор. Дори бериб яна ишларим билан банд бўлдим. Нонушта қилиб бўлгач, укам билан мактабга кетишга ҳозирлик кўра бошладик. Бир вақт қарасак касал ҳолингизга қарамай мактабга отланибсиз. Хайрон бўлиб Сизга қараб қолдик. Бу вазиятдан бир жаҳлим чиқса, бир Сизга ачиниб кетдим. Шунда Сиз:

- Бугун олти соат дарсим бор. Ҳозир кунлар совуқ, ҳаммаёқ сирпанчиқ. Агар дарсга бормасам ўқувчиларим ўйинқароқлик қилиб яхмалак учгани чиқиб кетишадди. Яна йиқилиб бирор ерларига шикаст етказмасинлар,- дедингиз. Адажоним гапингизни тинглаб:

-Шамоллаганда вақтида даволанмаса, кейинчалик касалликнинг асорати қолади. 2-3 кун уйда дам олсангиз, бирпасда тuzалиб қоласиз. Мактабда ҳамкасбларингиз ўрнингизга дарс ўтиб туришар,- десалар ҳам Сиз ўқувчиларингизни ўйлаб:

-Тўғри айтасиз, шамоллашни олдини олиш керак. Лекин на илож, ўқувчиларимни кўзим қиймайди-да. Уларни кўрсам, бирпасда тuzалиб қоламан,- дея ишга кетдингиз.

МЕҲНАТЛАРИНГИЗ САМАРАСИ

Эҳ, ойижон, касал ҳолингизга қарамай ишга кетдингиз. Ишингизга меҳр қўйиб, катта масъулият билан қарардингиз. Меҳнатларингиз самарасиз кетмади. Аввалига олий тоифали ўқитувчи, сўнгра Халқ маорифи аълочиси, Халқ таълими фидойиси, энг қувонарлиси мана ўқитувчилар кунинда "Соғлом ав-



Сценаристларнинг иш жосди

Умри оқар дарё, дейдилар. Кечагина ҳаммаи лол қолдириб, мустақиллик майдонининг катта сахнасида "Озол элнинг ўлими" деб кўшиқ куйлаган бола бу йил ўн ёшга тўлибди. Ким ҳақида гап кетаётганлигини сезган бўлсангиз керак. Бу Дилшод КАТТАБЕКОВдир.
Дилшод - Сирдарёнинг Ховос тумани-

дан. Отаси - Равшан ака Ховос тумани маданият уйида фаолият кўрсатади. Отаси Дилором опа эса уй бекаси. Отабек, Ойбек исмли акалари ва Бехзод, Умида исмли укаси ҳамда синглиси бор.

Дилшоджон, бундан беш йил олдин илк маротаба мустақиллик байрамида "Озол элнинг ўлими" номли кўшигингизни айтган эдингиз. Ўша кўшигингизни яна бир айтиб беринг.

-Бир кун тўртга тўламан, Ўйнаб-ўйнаб куламан. Истиклолга тенг ёшим, Кулиб турар кўёшим.
-Шундан сўнг қандай кўшиқларни ижро этдингиз?

-"Ўзбекистоним", "Ўзбек элим", "Ялла", "Хумо қушим", "Кўғирчоғим", "Капалак", Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб айтган кўшиғим, яна "Истиқлол" кўшиқларини куйладим.

-Сизни нима ишлар қилишингиз, қаерда ўқийшингиз муштарийларимизни жуда қизиқтиради. Шу ҳақда гапириб беринг.

-Успенский номидаги мусиқа мактабида ўқийман. 6-синфга ўтдим. Ҳозирги кунда пойтахтда яшайман. Чунки Сирдарёдан келиб кетиш анча машаққат. Ойим ҳам мен билан бирга. Бу ерда мени ҳар хил ролларга таклиф қилишади. Ойижоним билан бирга доимо съёмкаларга борамиз. Мактабимда фортопийодан Диллора Жамолова, фанлар бўйича эса Саида Сиддиқова, сольфеджодан Марк Борисович сабоқ берадилар.

-"Кичкина табибинг" ўзига яраша катта ташвишлари бор экан-да. Кинодаги ролларингизни ҳам гапириб ўтинг, энди.

-Кинодагиларними? "Кичкина табиб"ни айтадиган бўлсам, бу кинофильм 1998 йилда съёмкага олинган. Бу ролга Зулфиқор Мусақулов (режиссёр) таклиф қилган. Ўша пайтда биз ўнча бола эдик. Ҳаммамизни сценарий билан таништирдилар. Шуларнинг орасидан мен маъқул келибман шекилли, олишди.

-Ўша фильмда бой родини ижро этган Мурод Ражабовга сиз гапира туриб, "Сиз ўласиз" дея худди хўрланган боладек йиғлагансиз. Ушанда қандай қилиб кўзингизга ёш келди.

-Режиссёримиз бу ролни менга тушунтираётганларида "Куладиган жойларида ҳақиқатдан ҳам куласан, йиғлайдиган жойларида ҳам йиғлашга ҳаракат қил, шундагина ролинг жонли ва табиий чиқади", деганлар. Ролга кириб кетибман шекилли, йиғлайверибман, йиғлайверибман...

-Хўш, шундай қилиб "Кичкина табиб"дан сизга нималар ёқди. Шаҳарга келиб одамларни даволаясизми? (ҳазил)

-Аяжоним билан қайси даврага бормай, ўша ердаги муҳит бирдан ўзгариб қолади. Ҳаммалари мени яхши кўриб қолишади. Иш ташвишларини унутиб кўйишади. Гўёки мен уларни гипноз қилгандек. Айрим одамлар эса "Кичкина табиб"ни бир кўрсам барча касалликлардан фориғ бўламан дейди. Ҳақиқатдан ҳам одамлар мени кўришса, қон босими кўтарилганларники тушайпти, асабийлашаётганлари эса табассум қилишайпти.

-Кейинги ролларингиз ҳақида нима дея оласиз?

-"Қисмат" кинофильмида актёр Бехзод Муҳаммадқаримов, яъни учувчининг болалигини

вақтимизда гоҳида съёмкага чақириб қолишади. Шунда эҳ, яна бироз ўйнасайдим, деб ўйлайман. Ахир ўйинимиз чала қолади-да.

-Ўйинчоқларингиз ҳам кўлдир...

-Росаям. Ҳар хил машиналарим бор, айниқса, юмшоқ ўйинчоқларимни айтмайсизми? Тўртга айиқчам, кучукчам, кўнчаларим, жўжачаларим бор. Бир-бирдан чиройли.

-Кўпроқ қайси рангларни ёқтирасиз?

-Оқ, қизил рангларни. Улар рангларнинг ичида энг тиниқ ва чиройли ранг-

лардир.
-Қайси санъаткорларни ёқтирасиз?

-Яхши кўрган кўшиқчим англиз тилида куйлайди. Чет эллик Шер. Яна бири у ҳам чет эллик "Орқа кўчадаги болалар" (Бекстритбойс) гуруҳини ёқтираман.

-Яқинда киночилар уйида ўн йиллик юбилейингизни ҳамда ижодингизнинг беш йиллигини ўтказишган экан. Уларнинг орасида энг ёқтирган совғангиз қайси бўлди?

-Ўша кунни жудаюм одам кўп келди. "Томоша" гуруҳи, бастакорлардан Дилором Омонуллаева, юридик институтининг домлаларию талабалари, "Қамолот" жамғармасидагилар. Успенский номидаги мусиқа мактабидагилар. Темурмалик Юнусов, Сирдарё шаҳримизнинг ҳокими Рустам Турдиевлар келишди. Темурмалик Юнусов менга чопон кийгизди. Рустам Турдиев телевизор, видеомагнитофон билан табриклади. Гулларни айтмайсизми, айниқса қип-қизил гуллар. Мактабдошим Оксана эса ҳаммани ҳайратга солиб мени ўз кўшиғи билан табриклади. Жудаям хурсанд бўлдим.

Хонбиби МАҲАМОВА суҳбатлашди.



"Янги йил саргузаштлари"да эса Соат Шариповнинг болалигини, "Зумраша" тележурналида ҳар хил ролларни ўйнаганман. Машҳур кўшиқчимиз Юлдуз Усмонованинг "Кўрқаман" кўшигининг клипида эса мойкачи родини ижро этдим.

Яқинда "Бобожон" номли кўшиғимга ва "Зумраша" тележурналида "Кичик уста" фильмида съёмкага тушаман.

-Яхши кўрган машғулотиңгиз нима?

-Уйда кўпинча Юлдуз Усмонова, Аъзим Муллахонов, Фаррух Зокиров, Козим Қаюмовларнинг кўшиқларини хиргойи қилиб юраман. Энг муҳими футбол ўйнашни ёқтираман. Маҳалламиздаги болалар билан футбол ўйнаймиз. Энг алам қиладиган жойи футбол ўйнаётган

Оҳим Тўғулмаған Охонлар

КЎГИРМОЧЛАР СОЧАМИЗ

Абдуҳамид той-той,
Тура қолгин, тура қолсин!
Битта-битта қадам босиб,
Юра қолсин, юра қолсин!

Катта-кичик ўртоқлари,
Катта йўллар очишади.
Ширин кулча юмалатиб,
Кўғирмочлар сочишади.

Дўмбир-дўмбир қилиб ўзи,
"Болаларга ета қолсин.
Қоқилмасдан, йиқилмасдан,
Йўлни топиб кета қолсин.

Сув ичишга, лой кечишга,
Дарродан йўл солмасин-а!
Аммаларнинг, холаларнинг,
Кулгисига қолмасин-а!..

Жимдадил НАЗАРОВ мусиқаси,
Умида АБДУАЗИМОВА шеъри.

Allegro

TONG YULDUZI

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ҳотам АБДУРАИМОВ,
Муқаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатида офсет усулида 39092 нусхада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма - К-8397
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Гулюз ВАЛИЕВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Индекс 198
Тел: 144-62-34.